

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ БИЛАН ФАОЛ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июль куни Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси Ташқи алоқалар қўмитаси раиси Фуат Октай бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Учрашув аввалида Фуат Октай Ўзбекистон етакчисига унинг Президент

сайловидаги ишончли ғалабаси муносабати билан қардош Туркия Президенти ва халқининг самимий табрикларини етказди.

Туркия томони Ўзбекистон Президентининг аҳоли фаровонлигини ошириш

ва мамлакатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган прагматик сиёсатини юксак баҳолаши ва тўлиқ қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Музокаралар чоғида парламентлараро алоқаларни ривожлантириш

ҳамда олий даражада қабул қилинаётган қарорлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари парламентлараро ҳамкорлик гуруҳларини

ташкил этиш ва тегишли "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш юзасидан эришилган келишувларни олқишлади.

Шунингдек, учрашувда ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва авиақатновларни кўпайтириш, истиқболли инвестиция

лойиҳаларини илгари суриш, қўшма маданий-гуманитар тадбирларни ўтказиш бўйича мувофиқлашган чоралар кўрилиши муҳим экани таъкидланди.

ЎЗА

ҚАТАР АМИРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДАГИ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан 13 июль куни ўтказилган телефон орқали мулоқотида олий даражадаги келишувларни амалга ошириш, йирик инвестиция лойиҳаларини тайёрлашни жадаллаштириш ва уларни илгари суриш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Қатар Амири Ўзбекистон етакчисини бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қозongan ишончли ғалабаси билан диддан кўтлади.

Дўст Қатар халқи номидан Ўзбекистон раҳбари ва кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик, барқарор тараққиёт ва раванқ тилади.

Етақчилар жорий йил 5-6 июль кунлари Қатар Амирининг Ўзбекистон Республика-

сига давлат ташрифи давомида қабул қилинган битим ва келишувларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўришга келишиб олдилар.

Яқин фурсатда қўшма Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ҳамда икки мамлакат етақчи компаниялари иштирокида бизнес-форумини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

Бугун мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, юртимизни дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиш мақсадида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

ЗАКИЙЛИК САНЪАТИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Кейинги етти йилда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар халқимиз ҳаётида яққол акс этаётгани рост. Айниқса, бу даврда узоқ-яқин хорихий давлатлар билан маданий-гуманитар алоқаларимиз бутунлай янги босқичга кўтарилди. Зеро, ўзга халқларнинг биз билан ушбу йўналишда ҳамкорлик қилишга қизиқиши жуда юқори. Чунки донини ҳалқимиз томонидан минг йиллар давомида яратилган бой ва бебаҳо маданий меросимизнинг довриги етти икклимда донг таратган, десак, муболага бўлмайди.

Айни пайтда маданий меросимиз намуналарини қайта тиклаш ва уларни янада бойитишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бунинг замирида Уччинчи Ренессансга

пойдевор қўйишдек эзгу мақсад мужассам экани ҳеч кимга сир эмас.

Миллий маданиятимиз ривожига юксак инсоний гоёларни тараннум этувчи содда ва мафтункор халқ оғзаки ижодининг аҳамияти юқори ҳисобланади. Бу борада, айниқса, миллий аския ва қизиқчилик санъати алоҳида ўрин тутди. Ушбу жанр ўзбек халқи орасида узоқ даврлардан бунён мавжуд бўлиб, асосан, XV асрда алоҳида жанр сифатида шаклланди. Шерият мулкнинг султони Ҳазрат Алишер Навоий ҳам ушбу халқона санъат хусусида тўхталиб, ўз даврининг машҳур аскиячиси ҳисобланган Муҳаммад Бадахшининг ижодига юксак баҳо беради ва уни "аскиячиларнинг пири" деб атайди.

Давоми 2-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ



ИЖТИМОЙ МЎЛЖАЛ ВА МАЪНАВИЙ ИДЕАЛ МАСАЛАЛАРИ (Иккинчи мақола)

Биринчи мақолада ижтимоий мўлжал феномени, уни аниқ олиш ва мақсадга эришиш йўллари хусусида фикр юритган эдик. Энди масаланинг иккинчи жиҳатига ўтаск. Жамият ижтимоий мўлжалга эришишининг йўллари жуда кўп. Бирок ана шу етукликка етишимизга бугунги кунда айрим ёшларимиз томонидан маънавий идеални топишдаги ўзига хос муаммолар халақит қилаётганга ўхшайди, назаримизда. Бошқача айтганда, жамият ижтимоий мўлжали маънавий идеал билан узвий боғланмас экан, бу борада муайян ютукка эришиш ўта оғир. Ҳўш, маънавий идеал деганда нимани тушуниш мумкин?

Таниқли файласуф олим Қиём Назаров маънавий идеал деганда шахс ва жамият маънавиятини шакллантирувчи, йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи, уни савоб ишлар, бунёдкорликка сафарбар этувчи эзгу гоё, орзу-мақсад ва ижобий намуналар мажмуини ифодаловчи тушунчани назарда тутди.

Дарҳақиқат, маънавий идеал шахснинг шаклланиши жуда мураккаб жараён ҳисобланади, бунда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлашуви ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Идеал жамиятни барпо этиш эса ундан ҳам оғирроқ. Иқтисодий жиҳатдан фаровон, мўл-кўнчиликка эришган давлатларни барпо этиш мумкин. Бугун жаҳон харитасида бундай мамлакатлар борлигини барчамиз ҳам биламиз.

Аммо гап фақат инсон моддий таъминоти, мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари хусусида кетаяётгани йўқ. Биз том маънодаги идеал жамият тўғрисида фикр юритар эканмиз, аввало, шу жамиятнинг маънавий-маърифий илдишлари, улар-



нинг фуқаролар камолоти йўлидаги таъсир кучини эътиборга олишимиз муҳим. Зеро, идеал жамиятнинг пойдевори, энг аввало, унинг маънавий илдишлари билан белгиланади.

Маънавий идеал жамият, биринчи навбатда, ўзининг маънавий қиёфасига эга, мукамаллик даражаси олий мақомга етган, юксак ахлоқий мезонлар билан безалган жамиятдир. Шу маънода, биз маънавий идеал деганда юксак ахлоқ, одоб, билим, истеъдод, ақл-идрок ва тафаккур заминида инсонда шаклландиган ишонч, эътиқод, ихлоқ, виждон, имон каби фазилатларни назарда тутамиз.

Ҳар бир халқнинг ўз маънавий идеаллари мавжуд. Мазкур идеаллар у ёки бу миллат ва элнинг иқтисодий фаровонлиққа етакласа, бошқасини ижтимоий ҳамкорликка, яна бирини сиёсий барқарор-

ликка бошлайди. Ҳўш, биз, ўзбекларнинг миллий-маънавий идеалларимиз қай йўсинда шаклланди, уларнинг таркибий қисмларини нималар ташкил этади?

Келинг, яхшиси кўҳна тарихга мурожаат қилайлик. Аслида, бизнинг тарихимиз миллий-маънавий идеалларимизни қидириш, шакллантириш ва уларни реал ҳаётга жорий этишдан иборат. Кўҳна "Авесто", Урхун-Энасой ёдгорликлари, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қўтаду билиг" асари, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг унлаб асарлари, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даври мутафаккирларининг деярли барча тадқиқотлари, жадид маърифатпарварларининг нодир китоблари маънавий идеални яратиш йўлидаги изланишлар, де-ийишга ҳаққимиз бор.

Давоми 3-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ



ЗАМИНИМИЗ САҲОВАТИ, МИРИШКОРЛАР ШИДДАТИ

8 миллион тоннали хирмон уюлди!

Саратон сувидан сипқорган экин бўлиқ бўлади. Бободехқонларимизнинг такрорий экин экишда ўзига хос вақт тарозисига айланган ушбу ибораси, таъбир жоиз бўлса, бой тажриба ҳосиласи замирида катта маъно мужассам.

Бинобарин, бу даврда қадалган уруғ ернинг ис-сиқ тафтида униб чиқиб, ўзини тугиб олади, асад кўшида барқ уриб, куз ҳавосининг қай даражада келишидан қатъи назар, пишиб етилишга улгуради. Шу боис, айни кунларда юртимиз далаларида иш

қизгин. Бир томондан, бу йилги ғалла ўрими мавсумининг яқуний босқичи кечаётган бўлса, бошқа томондан, бугундан бўшган дала майдонларига такрорий экин экиш авж палласига кирган.

Давоми 4-бетда

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

ПАРЛАМЕНТ ДИПЛОМАТИЯСИ

Ўзбекистон Республикасининг икки ва кўп томонлама ҳамкорлигининг муҳим механизми

Қодир Жўраев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси раиси ўринбосари



Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро жараёнлардаги иштироки сезиларли даражада юксалди. Ўзбекистон олдинги даврларга нисбатан изчил, фаол ва прагматик ташқи сиёсат олиб бормоқда.

Бу сиёсат ўзининг прогрессив характери ва тинчликпарварлиги билан халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлаётди. Ўз навбатида, тенг манфаатли ҳамкорликка таянган бу муҳим сиёсий ўзгаришлар Янги Ўзбекистон дипломатиясига асос солган ҳолда, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини ҳар томонлама мустақамлаб бораётгани ҳам қувонарлидир.

Ушбу жараёнда мамлакатимизнинг олий вакиллик органи бўлиши икки палатали парламентнинг ташқи сиёсатдаги ўрни ва роли ҳам ҳар қачонгидан кўра юксалди. Кейинги йилларда Олий Мажлис палаталарининг халқаро алоқалари географияси сезиларли даражада кенгайиб, хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро парламентлараро уюшмалар билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

Айниқса, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясидаги еттинчи устувор йўналишида белгиланган мамлакатимизнинг очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб боришига доир муҳим вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистонда парламент дипломатиясини амалга оширишда миллий манфаатларни илгари суриш ва уларни ҳимоя қилиш тўбора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда парламент дипломатияси кўйидаги асосий йўналишларда фаоллашиб бораётганини кузатиш мумкин.

Биринчидан, парламент дипломатиясининг ҳуқуқий асослари ва амалий механизми янада мустақамлашди.

Жумладан, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кенгаши томонидан хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда парламентнинг ролини янада кучайтириш мақсадида Парламент дипломатияси концепцияси қабул қилинди.

Мазкур концепцияда чет давлатлар парламентлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш

ҳамжамиятига ҳолис ахборот етказиш, парламентлараро мулоқотни чуқурлаштириш, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш учун яқин алоқалар ўрнатиш, халқаро доирадаги конференция, семинар ва давра сўхбатларини юқори даражада ўтказиш ҳамда уларнинг натижадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Олий Мажлисининг хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича гуруҳлари ва комиссиялари сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам кескин ошганини кузатиш мумкин. Бугунги кунда парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари хорижий давлатлар қонун чиқарувчи органлари билан алоқаларни ривожлантириш учун доимий майдон вазифасини ўтамоқда ва ўз навбатида, чет эллик ҳамкорлар билан очик, конструктив ва жонли мулоқот олиб боришининг қулай механизмига айланмоқда.

Агар 2015-2019 йиллар давомида жами 28 давлатнинг парламентлари билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар фаолият олиб борган бўлса, 2020 йилда бу рақам 43 тани, 2023 йилга келиб эса 57 тани (56 та давлат ва 1 та Европа Иттифоқи парламенти) ташкил этганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва хорижий мамлакатлар парламентлари қўйи палаталари билан ташкил этилган жами 21 парламентлараро тузилмалар, 19 ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар ва юқори даражадаги Қозғонистон Республикаси Парламенти Мажлиси ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик кенгаши ҳамда Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат Думаси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссияси шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамкорлигида жами 36 та парламентлараро тузилма, жумладан, 35 хорижий мамлакат парламентлари билан тузилган ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар ва Европа Иттифоқи парламенти билан "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги кўмитасидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегацияси ташкил этилган. Ушбу парламентлараро тузилмаларнинг 26 тасига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва 10 тасига Олий Мажлис Сенати аъзолари раҳбарлик қилмоқда.

Ушунчидан, Олий Мажлисининг халқаро парламент уюшмаларидаги иштироки анча фаоллашди.

Бугунги кунда Олий Мажлис қатор парламентлараро уюшмалар ишида аъзо ёки қузатувчи мақомида Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда илгари суришга асосланган ташқи сиёсий фаолиятнинг фаол иштирокчисига айланди.

Сўнгги 6 йилда Олий Мажлис Парламентлараро Иттифоқ (ПАИ), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги парламентлараро ассамблеяси (МДХ ПА), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг парламент ассамблеяси (ЕХХТ ПА) каби қатор нуфузли парламентлараро уюшмаларга аъзо бўлиб кирганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мазлумки, Парламентлараро Иттифоқ дунё мамлакатлари парламентларини сиёсий жиҳатдан бирлаштириш туровчи дунёдаги энг кеска ва тажрибали халқаро уюшма (1889 йилда ташкил топган) ҳисобланади. ПАИ парламент мулоқоти ва ҳамкорлиги асосида тинчлик, демократия ва барқарор ривожланишни мустақамлаш учун кўмаклашишга интилаётганини инobatта олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2017 йил 13 октябрдан эътиборан глобал парламентлар ҳамжамиятида Парламентлараро Иттифоннинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси сифатида ўз иштирокини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди.

2020 йил 30 январда ПАИ ижроия кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, тажрибали дипломат, етуқ олим ва академик Акмал Саидов номзодини ПАИ вице-президенти этиб тайинлади. Ўз тараққиёти йўлида шахдам қадамлар билан тараққиёт этиб бораётган Ўзбекистоннинг ПАИ каби нуфузли халқаро парламент ташкилоти бошқарув органига сайланиши мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-сиёсий ислохотлар эътирофидир.

Ўзбекистон аъзо бўлиб кирган муҳим парламентлараро тузилмалардан бири бу, шубҳасиз, МДХ ПА ҳисобланади. Мазкур парламентлараро уюшма МДХ билан бир вақтда ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятининг илк кунлариданоқ парламентларнинг ўзаро ҳамкорлиги учун ўзига хос платформа айланди. Чунки эндигина мустақилликка эришган мамлакатлар олдда ўз ҳуқуқий тизимларини тубдан ислох қилишдек улкан вазифа турар ва МДХ ПА ана шу муҳим вазифани ҳал қилишда модель қонунлар ишлаб чиқиш орқали муносиви ҳисса қўшиш ва аъзо мамлакатларнинг миллий қонунчилигини уйғунлаштириш йўлида муҳим сазй-ҳаракатлари амалга оширди.

Бугунги кунда Ўзбекистон МДХ ПА ишида фаол иштирок этиб келмоқда. Жумла-

дан, 2022 йилнинг 27-28 октябрь кунлари Парламентлараро ассамблеянинг навбатдаги 54-ялпи мажлиси Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ташкилотнинг ўттиз йиллик тарихида Ассамблеянинг ялпи мажлиси илк марта Ўзбекистонда ўтказилди. Ялпи мажлисда бир қатор муҳим масалалар муҳокама этилди. Хусусан, парламент аъзолари томонидан сайлов, референдум ва уларни қузатиш тўғрисидаги, хавфсизликни таъминлаш, интеллектуал ҳуқуқ, илмий-технологик, ижтимоий масалалар ва ёшларга оид сиёсатга доир намунавий қонунлар ҳамда бошқа тавсиявий ҳужжатлар қўриб чиқилди. Шунингдек, 2023-2025 йилларга мўлжалланган МДХда намунавий қонун ижодкорлигининг истиқболли режаси лойиҳаси ва МДХ ПАНинг келгуси йил учун иш режаси тасдиқланди.

Ялпи мажлис давомида кўриб чиқилган "Сайловлар ва референдумлар устидан халқаро қузатув тўғрисида"ги, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги, "Давлат ва муниципал (коммунал) мулкни хусусийлаштириш тўғрисида"ги ва бошқа қатор модель қонунларнинг лойиҳалари Олий Мажлис томонидан билдирилган тақлифлар асосида тақомиллаштирилиб қабул қилинди.

Самарқандда бўлиб ўтган ялпи мажлис шуни кўрсатдики, МДХ ПА ўз фаолияти давомида МДХ мақомида парламентаризмнинг ривожлантириш, Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, демократик жараёнларни ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини жонлантиришга доир долзарб масалалар бўйича кўшма муҳокамаларни ўтказиш ва қарорлар қабул қилишда самарали майдон ҳисобланади.

Ўзбекистон аъзо бўлган муҳим парламентлараро уюшмалардан яна бири ЕХХТ ПА ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур уюшма парламентлараро мулоқот ва ҳамкорлигини амалга оширишда, Марказий Осиёда трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ишибилармонлик ва сармомоий муҳитни яхшилаш каби масалалар бўйича ҳамкорлигини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Икки томонлама ҳамкорлик алоқалари ЕХХТ минтақасида демократик жараёнлар илгари суришда ўз самарасини бермоқда.

ЕХХТ ПА икки томонлама ҳамкорлик 2017 йилдан, яъни Ўзбекистон ушбу уюшмага аъзо бўлиб кирганидан сўнг анча фаоллашди. Олий Мажлис вакиллари ЕХХТ ПА мажлисларида доимий асосда иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2022 йил 4-6 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси парламент делегацияси Буюк Британияда бўлиб ўтган ЕХХТ Парламент ассамблеясининг 83-сессияси ишида иштирок этди. Унда сессия иштирокчиларига мамлакатимизда амалга оширилган конституциявий ислохотлар ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилди.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси парламент делегациялари Туркий тили давлатлар Парламентлараро ассамблеяси, Осиё-Тинч океани парламентлараро форуми, Осиё парламент ассамблеяси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Парламент ассамблеяси каби парламентлараро уюшмалар доирасида ўтказилаётган турли тадбир ва анжуманлар ишида қузатувчи мақомида фаол иштирок этиб келмоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалардаги мажбуриятлари бажарилуши устидан парламент назорати тўбора кучаймоқда.

Чунончи, Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларга эришиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда ва бу масалада Ўзбекистон парламентининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда парламент, ҳуқуқат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича парламент комиссияси ташкил этилди. Олий Мажлис парламент назоратининг таъсирчан шакллари ва усулларидан фойдаланган ҳолда 2030 йилгача барқарор ривожланишининг бошқа миллий мақсад ва вазифаларини амалга оширишга ҳам доимий эътибор қаратиб келмоқда.

Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда парламент назоратининг замонавий усулларини қўллаш ва парламентарийлар томонидан халқаро ташкилотлар имкониятларидан фойдаланиш, шубҳасиз, барқарор ривожланиш бўйича миллий мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш, халқ фаровонлиги ва мамлакатнинг халқаро обрўсини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда парламентимиз мамлакат ташқи сиёсатининг фаол иштирокчисига айланди. Парламент дипломатиясининг географияси кенгайиб, натижадорлиги ошмоқда. Ушбу ҳолат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда узвий алоқаларни ўрнатиш имконини шакллантириб, хорижий давлатлар ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатларни мустақамлашга ҳар томонлама ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда Олий Мажлис халқаро алоқаларининг кенг қўламли дастури мамлакатимиз ташқи сиёсий йўналиши муҳим таркибий қисми бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ҳам икки томонлама асосда, ҳам халқаро парламентлараро тузилмалар фаолияти доирасида дадил илгари суриш имконини бермоқда.

МУНОСАБАТ

ЗАКИЙЛИК САНЪАТИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ, профессор

Бошланғичи 1-бетда



Одатда аския халқ сайилларида, турли байрамлар ва тўй-томшаларда ижро этилган. Бундай кезларда икки ёки бир неча киши даврага чиқиб, эл-улус кўз ўнгига ҳазил-мутойиба оҳангига ўзаро баҳсга киришган. Фикрлар курашидан иборат бўлган бундай айтишувларда сўз ўйини, кесатик, қочирим, ўхшатиш, бўрттириш, муволаға сингари бадиий ифода воситаларидан мохирона фойдаланилган.

Халқимизнинг яқин тарихида Эрка қори Каримов, Юсуфжон қизик Шакаржонов, Турсун бува Аминов, Охунжон қизик, Мамажон Мадаминов, Жўраҳон Султонов, Ғанижон Тошматов, Абдулхай Махсум Қозоқов, Ғўломжон Рўзиев, Абулқосим Тўйчиев, Ҳасанбой Султонов, Эргаш Каримов, Муҳиддин Дарвешов, Жўраҳон Пўлатов, Неъматжон Тошматов каби эл ардонидоги бадиий сўз усталари ўзларининг самарали ижоди билан аския ва қизикчилик санъати ривожига салмоқли ҳисса қўлиди.

Ҳозирги кунда Мамасидиқ Шираев, Ҳотамжон Ҳакимжонов, Тўхтамурод Азизов, Жумабой Ҳуралиев, Баҳодиржон Шокиров, Мансуржон Охунов, Абдулла Акбаров ва бир қанча ёш ижодкорлар бу йўналишдаги ижодий аънаваларни муносиб давом эттирмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, аскиячилик — ҳазил-мутойиба санъати тури сифатида 2014 йили ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Ҳозирги глобаллашув даврида соф аския санъатини асраб-авайлаш ва халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш ёшларимизни "оммавий маданият" иллатининг бузғунчи таъсиридан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Zero, "аския" сўзи тоза фикр, ўткир зеҳн, закийлик маъноларини аниглади.

Сўнгги йилларда юртимизда ёшларнинг ўз истеъдодини намоён этиши

белгилангани айна мўддо бўлди. Аския ва қизикчилик ижрочилиги йўналишида "устоз-шогирд" аънаваларини ривожлантириш, истеъдодли ёшларни тарбиялаш, уларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, маданият ва таълим муассасаларида ушбу йўналишда тўғра-қарактар ташкил қилиш каби муҳим масалалар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланмоқда.

Қарорга асосан, 2024/2025 ўқув йилидан Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежи ҳамда Фарғона иқтисослаштирилган санъат мактабида "Аския ва қизикчилик санъати" йўналиши ташкил қилинади.

Бундан ташқари, ушбу соҳада таниқли ижодкорларнинг маҳорат мактабларини ташкил этиш ташаббуси ўзбек аскиячи ва қизикчилик мактабини янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Ўзининг мактабини яратган ижодкорларни моддий рағбатлантириш билан бир қаторда, уларга самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Бу эса бадиий сўз усталарининг ўз истеъдодларини янада кенг намоён қилиши учун катта имкониятдир.



Яна бир эътиборли жиҳати, бундан буён ёшларимиз айнан аския ва қизикчилик йўналишида таълим олади. Бунинг аҳамияти жуда юқори. Чунки аскиячилик бўйича чўқур билим ва малакага эга бўлган, унинг бошқа жанрлардан фарқини теран ҳис эта оладиган санъаткорлар

тадқиқотлар олиб бориш лозим бўлади. Шу боис, ушбу йўналишдаги илмий-ижодий изланишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили камида 3 та давлат буюртмаси учун маблаг ажратиш тартиби белгиланди.

Бунинг натижасида аския ва қизикчилик жанрининг ривожланиш хусусиятлари ва босқичлари, ижро усуллари ҳамда миллий маданиятимизда тугган ўрнига бағишланган тадқиқотлар салмоғи ортади. Шу билан бирга, бугунги замонавий жамиятда миллий қулту санъатининг ўрни қандай бўлиши, ушбу бебаҳо меросимизни жаҳон саҳналарига қай шакл ва мазмунда олиб чиқиш лозимлиги ҳақида ҳам муайян тасаввурларга эга бўламиз.

Дарвоқе, Президент қароридан хар икки йилда бир марта "Табассум" халқаро қулту фестивалини ўтказиш вазифаси белгиланган аския ва қизикчилик санъати усталарининг ижодини халқаро миқёсда тарғиб қилиш борасида кенг имконият яратди.

Албатта, бошқа санъат турлари каби аскиячилик ривожидан ҳам давлатнинг моддий ва маънавий қўлағи катта аҳамиятга эга. Шу боис, ҳар йили саҳнада намоён этишга мўлжалланган камида 5 та ҳажвий асар учун давлат буюртмаси берилиб, ижодий танлов асосида камида 10 та концерт-томоша тадбири ва аския кечалари ўтказиш харажатлари қўлаб берилди.

Шу билан бирга, ҳар йили аския усталарининг маҳаллий гастроль сафарларини уюштириш, уларнинг энг сара ижод намуналарини яратиш учун буюртмалар бериш тартиблари белгилангани ҳам соҳа равнақига хизмат қилади. "Дўстлар клуби" доирасида Аския ва қизикчилик марказининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва ижодкорларга муносиб шарт-шароит яратиш бериш чора-тадбирлари белгилангани ҳам жуда ўринли иш бўлди.

Бир сўз билан айтганда, миллий аския ва қизикчилик санъати оид махсус қарор қабул қилиниши Президентимиз томонидан юртимизда маданият ва санъат соҳаси ривожига қаратилган юксак эътибор ва ғамжўрликнинг яна бир амалий ифодасидир. Бунинг натижасида халқимизнинг нозик диди ва юксак ақл-заковатини ўзда намоён этувчи аския ва қизикчилик санъати бугун бутунлай янги ривожланиш босқичига қадам қўймоқда.

Буюк Ўзбек йўли

ИЖТИМОЙ МЎЛЖАЛ

ВА МАЪНАВИЙ ИДЕАЛ МАСАЛАЛАРИ

(Иккинчи мақола)



Абдухалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Бошланғич 1-бетда

Мутафаккирларимизнинг асосий ғоялари адолатли давлат ва маънавий идеал жамият барпо этишдир. Буюк Форобий идеал жамият бу — юксак ахлоққа эга шахслар жамияти, дейди. Унинг фикрича, адолатли давлатни фақат юксак ахлоқли кишилар билангина қуриш мумкин. Ахлоқли инсон адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб ўзбилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик олдида лафзли бўлсин, ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, қўрқмас, жасур бўлсин, қўрқиб ва ожизликни билмасин.

Абу Райхон Бериуний эса идеал жамиятнинг асосини маънавий омиллар ташкил этиши лозимлигига ишора қилади. Унинг фикрича, ҳар бир инсон интиладиган маънавий идеал асосларини эзгулик, одамийлик, юксак одоб-ахлоқ ташкил этади. Бериуний бобомиз инсоният орзу қилган жамиятда қуйидаги қондалар амал қилиши лозимлигини таъкидлайди: “Ҳақим ва омиллар ахлоқидан таълим олиш яхши хулқни пайдо қилади, ёмон хулқни ўлдирди”, “Инсон ҳаётидаги зарурат, эҳтиёжлар уларнинг илмларга бўлган талабини келтириб чиқаради”, “Ҳар бир янги нарсани лаззат бор”, “Неъматнинг қадри у йўқолганидан кейингина билинади”, “Тенглик ҳукм сурган жойда соткин, алдамчи эҳтирослар, гап-ғусса бўлмайди”, “Елгончидан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа киши у ёқда турсин, ёлгончининг ўзи ҳам савиб қолади”.

Юсуф Хос Ҳожиб маънавий идеални инсоннинг илм-фанга бўлган муҳаббатисиз кўрмайди. Унинг қайд этишича, бетимсол бойлик бўлмиш билимнинг қадри шу даражада баландки, у дўзах ўтидан ҳам озоод қилиши мумкин. Жаҳонда билимдан қудратлироқ ҳеч нарса йўқ. Билимсизлик, аслида, киши учун ҳақоратдир. Хаттоки, билимсиз одам турга чиқиб ўтирса, ундай турни тур, деб бўлмайди. Уни пойгақдан ҳам паст, деб билиш керак. Аммо пойгақка билимдон киши ўтирса, у жойни тўрдан ҳам аъло, деб билиш лозим.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий маънавий идеалликка эришишнинг энг муҳим жиҳатларини адолатли давлат ва унинг одил шоҳида кўради. “Одил шоҳ, — дейди аллома, — қўш билан баҳор ёғмиргидек қора туپроқдан гуллар очади ва мамлакат бошига олтин билан дурлар сочади. Камбағал ва бечора одамлар унинг яхши, мулоийм муомаласидан роҳатда, золим амалдор ва мирсаблар унинг сиёсати тигидан қўрқувда. Адолатли шоҳ шундай қўрқикчи, унинг сояни давлатида қўй-қўзилар бури хавфидан омон, ёмонларга шафқатсизлигиндан йўлдаги мусофирлар йўлтўсарлар ваҳимасидан эсон. Ҳайбатидан йўлларда қароқчилар йўқ ва халқ қўли ўз моли билан тўлиқ. Забтидан амалдорлар қалами синиқ ва золимлар байроғи йиқик. Қасоскор тигидан ўғри қўли эз молига ётмайди. Савдо қилиш учун тун бўйи дўконларда шам ўчмайди, олди-сотди қилувчилар қўчаларда безорилар дайдишдан қўрқмайди. Аҳолининг ховли-боғи унинг шарофатидан обод. Фақирлар унга дуо-тахсин ўқиб, эркалик қиладилар. Шоҳ эса очик қўллик билан фўқарога савоат қилади ва уни сийлайди. Адолатпарвар шоҳ халқни рози қилса, Ҳақ таоло шоҳдан рози бўлади”.

Буюк мутафаккирлар маънавий идеални комил инсон тушунчаси билан боғлаб тушутирган. Шарқшунос олим Нажмиддин Комиллов шундай дейди: “Комил инсон — бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Мутлоқ руҳга туташ, файзу қароматдан сероб, сийрату сурати саранжом, қалби эзу туйғуларга лиммо-лим покиза зот”. Дарҳақиқат, комил шахс одамзод орзу қилган жамияти эзу хислатларнинг ифодачиси. Биз юқоридики давлат ва жамият томонидан танланган ижтимоий мўлжалнинг

маънавий идеал билан узвий боғлиқлиги хусусида фикрлашган эдик. Инсоният интиладиган маънавий идеални бекаму кўст танлаш, унинг энг мукамал контурларини белгилаш ниҳоятда мураккаблигини билемиз. Барча миллат ва халқлар инсон камолоти, шунингдек, жамият ҳамда давлат мустақамлиги, фаровонлиги хизмат қиладиган маънавий идеални топишга ҳаракат қилган.

Бу борада маънавий идеал масаласига, унинг реал ҳаётда амалга ошириш имкониятларини кўрсатиб беришда юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларга етадигани бўлмас керак. Шу ўринда Алишер Навоий бобомизнинг комил инсоннинг энг муҳим хислатлари сифатида санаб ўтган қуйидаги далилларига диққат қаратишни лозим топдик: биринчиси — таваб, иккинчиси — ҳалол лўқма билан қаноатланиш, учинчиси — ўз касбидан топиб кун ўтказиш, тўртинчиси — шариатга риоя қилиш, бешинчиси — тарикат одобини сақлаш, олтинчиси — барчадан ўзини кам деб билиш, ҳаттоки фарзандлари, хизматкорларига қўполлик қилмаслик, еттинчиси — чучук тили бўлиш, саккизинчиси — раҳмдил бўлиш, тўққизинчиси — саҳий бўлиш, ўнинчиси — мард бўлиш, ўн биринчиси — ҳалимлик, хушхулқ бўлиш, ўн иккинчиси — ризо-розиллик билан кун ўтказиш, ўн учинчиси — сабрли бўлиш, ўн тўртинчиси — садоқатли, вафоли бўлиш, ўн бешинчиси — риёзат чекишдан қўрқмаслик.

Ҳеч шубҳасиз, юқоридики таъкидланган хислатларнинг барига эга бўлиш ўта мураккаб масала. Аммо биз қўпичча олдимизга қўйилган вазифаларнинг мураккаблигига қараб, уларни бажариш амримаҳол, деб ўзимиздан масъулиятни соқит қиламиз. Ҳеч бўлмаганда ўша хислатларга эга бўлишга ҳаракат қилишдан ҳам ўзимизни четта оламиз.

Тўғри, қўнча тарихимизда халқимиз ўз маънавий идеалларига эга бўлишга ҳаракат қилди. Бу борада бугун жаҳон аҳли тан бераётган, эътироф этаётган ютуқларимиз ҳам бисёр. Биргина Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврларида ота-боболаримиз илмий-ижодий заковати туфайли яратилган саноксиз кашфиётлар, мутафаккир алломаларимиз жаҳон тамаддунига қўшган бебаҳо ҳиссалари ўзбек халқининг ўзига хос маънавий идеаллари борлигиндан далоятлардир.

Айни пайтда шунини ҳам қайд этиш лозимки, халқимизнинг ўз миллий маънавий идеалларига эришиш борасида қўпбалчиликларга учраганини ҳам эслаш лозим. Узоқ даврлар давом этган мустамликачиликлар, халқимиз бошидан кечирган аянчли кунлар, айниқса, юртимизда содир бўлган ўзаро урушлар — буларнинг бари маънавий идеалларимизга эришиш йўлидаги жиҳдий тўсиқлар бўлди.

Булар натижасида минг йиллар давомида шаклланган миллий тарбия тизими шикастланди, миллий қадриятларимизда



айтадиган бўлсак, масаланинг маънавий-тарбиявий томонлари диққатимиздан четда қола бошлади.

Бугун мамлакатимизда янги Ўзбекистонни қуриш жараёнида маънавий идеалларимизни танлаб олиш, уларнинг ижтимоий мўлжалларимиз билан узвий боғлиқлигини таъминлаш олдимизда турган энг долзарб масалалардан бирига айланган.

Биринчидан, таъкидлаш лозимки, бу борадаги ишларимиз ҳаёоий, маъмул гаплардан аниқ, реал шaroитни эътиборга олган ҳолда бажарилиши лозим бўлган умуммиллий ҳаракатга айланди. Фиримизнинг исботи сифатида айтиш мумкинки, мамлакатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги” фармонида илк маротаба маънавий-маърифий ишлар, шахс тарбияси билан боғлиқ муаммолар, жамиятнинг маънавий жиҳаддан соғломлаштиришга доир вазифаларимиз “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” деб номланган алоҳида йўналишда ўз аксини топди.

Бугун “Маънавий тараққиёт”, “Янги маънавий макон”, “Маърифатли жамият”, “Маърифий ислохотлар”, “Маънавий-маърифий саводхонлик”, “Учинчи Ренессанс” каби

қаторига қўшиш йўлидаги интилиш, бошқа тарафдан, ёшларимизнинг ўз миллий-маънавий идеалларини топиш йўлидаги имкониятлари сифатида қабул қилиш мумкин.

Учинчидан, маънавий идеалларимизни минг йиллар давомида шаклланган илмий ва диний қадриятларис тасаввур этиб бўлмайди. Аслида, том маънодаги маънавий идеаллар қўнча тарих қарғида шаклланган, кишиларни эзгулик, инсонпарварлик, яхшилик, юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келган илғор ғоялар, таълимотлардир.

Янги Ўзбекистонни барпо этишга киришар эканмиз, шубҳасиз, ана шу ғояларни ўрганиш, улардан олдимизда турган улкан стратегик макссадларни бажаришда унумли ва самарали фойдаланиш биз учун жуда муҳим. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари ўз фаолиятида мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси хузурида Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказининг ташкил этилишини шу маънода тушуниш лозим. Марказ тўрмоқли дунёвий илмий-маърифий маскан бўлиб, халқимизнинг муқаддас ислom дини билан боғлиқ бой меросини илмий тадқиқ этиш, унинг Марказий Осмё цивилизацияси ривожидидаги ўрнини инновацион усуллар орқали тарғиб қилишни ўз олдига мақсад қилган.

Халқимиз маънавий идеалларининг муҳим устунарлардан бири ислom дини таълимотлари, унинг халқимизни яхшилик, эзгуликка етакловчи ғоялари эканини барчамиз билемиз. Мамлакат раҳбарияти шунинг учун ҳам ўзбек халқи маънавий идеалларини шакллантиришда ана шу таълимотларга суянмоқда. Халқаро ислom академияси, Бухорода — Мир Араб олий мадрасаси, Термизда — Имом Термизий илмий-тадқиқот маркази, Самарқандда — Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, ҳадис илми мактаби, қалом ва ҳадис, Бухорода — тасавуф, Қашқадарёда — ақида, Фарғонада — фикҳ илмий мактаблари ташкил этилди.

Соёик совет давлати даврида Ўзбекистонда жами 80 га яқин масжид фаолият кўрсатган бўлса, бугун уларнинг сони 2100 дан ортибди. Биргина жорий йилнинг ўзида 15 мингдан ортиқ юрдошимиз Ҳаж сафарини амалга оширди. Буларнинг бари, аслида, халқимизнинг ўз маънавий идеалларини шакллантириш йўлидаги сазъ-ҳаракатлар эди.

Демак, ижтимоий тараққиётнинг бугунги босқичига келиб мамлакатимизда маънавий идеалларни шакллантиришда муайян натижаларга эришганмиз. Маънавий идеалларимиз пойдеворини эзгулик, имон, эътиқод, юксак ахлоқ, ватанпарварлик каби муқаддас тушунчалар ташкил этади. Айни пайтда, бугунги кунда халқимиз маънавий идеаллари шаклланишида миллий бирлик ғоясининг ўрни ва аҳамияти жуда катта эканини ҳам асло унуттиш мумкин эмас.

Маънавий идеални масаланинг фақат маънавий томонлари билангина боғлаш унчалик ҳам тўғри бўлмайди. Бундай идеал жамиятда сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий ҳамкорлик масалалари ўта муҳим ўринга эга. Шу маънода, маънавий идеал минг йиллар давомида мутафаккир алломаларимиз томонидан яратилган ва халқимизни доимо эркинлик, эзгулик, юксак ахлоқ, ватанпарварлик, миллий бирлик ғоялари билан қўрқулантирган ҳамда илхомлантирган ҳолда жамият томонидан белгилан олган ижтимоий мўлжалга етишга имкон берадиган, сафарбар этадиган феномен ҳодисадир.

Юқоридики фикрлардан англаш мумкинки, бугун мамлакатимизда маънавий идеалларни шакллантириш борасида талай ишлар бажарилиди. Бундай идеалларнинг илмий-ижодий пойдевори мавжуд. Тобора шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда маънавий идеалларимизни замонга мос, янги мазмун билан бойитиш бораётир. Аслида, том маънодаги маънавий идеаллар қўнча тарих қарғида шаклланган, кишиларни эзгулик, инсонпарварлик, яхшилик, юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келган илғор ғоялар, таълимотлардир.

Янги Ўзбекистонни барпо этишга киришар эканмиз, шубҳасиз, ана шу ғояларни ўрганиш, улардан олдимизда турган улкан стратегик макссадларни бажаришда унумли ва самарали фойдаланиш биз учун жуда муҳим. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари ўз фаолиятида мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси хузурида Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказининг ташкил этилишини шу маънода тушуниш лозим. Марказ тўрмоқли дунёвий илмий-маърифий маскан бўлиб, халқимизнинг муқаддас ислom дини билан боғлиқ бой меросини илмий тадқиқ этиш, унинг Марказий Осмё цивилизацияси ривожидидаги ўрнини инновацион усуллар орқали тарғиб қилишни ўз олдига мақсад қилган.

Халқимиз маънавий идеалларининг муҳим устунарлардан бири ислom дини таълимотлари, унинг халқимизни яхшилик, эзгуликка етакловчи ғоялари эканини барчамиз билемиз. Мамлакат раҳбарияти шунинг учун ҳам ўзбек халқи маънавий идеалларини шакллантиришда ана шу таълимотларга суянмоқда. Халқаро ислom академияси, Бухорода — Мир Араб олий мадрасаси, Термизда — Имом Термизий илмий-тадқиқот маркази, Самарқандда — Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, ҳадис илми мактаби, қалом ва ҳадис, Бухорода — тасавуф, Қашқадарёда — ақида, Фарғонада — фикҳ илмий мактаблари ташкил этилди.

Соёик совет давлати даврида Ўзбекистонда жами 80 га яқин масжид фаолият кўрсатган бўлса, бугун уларнинг сони 2100 дан ортибди. Биргина жорий йилнинг ўзида 15 мингдан ортиқ юрдошимиз Ҳаж сафарини амалга оширди. Буларнинг бари, аслида, халқимизнинг ўз маънавий идеалларини шакллантириш йўлидаги сазъ-ҳаракатлар эди.

Демак, ижтимоий тараққиётнинг бугунги босқичига келиб мамлакатимизда маънавий идеалларни шакллантиришда муайян натижаларга эришганмиз. Маънавий идеалларимиз пойдеворини эзгулик, имон, эътиқод, юксак ахлоқ, ватанпарварлик каби муқаддас тушунчалар ташкил этади. Айни пайтда, бугунги кунда халқимиз маънавий идеаллари шаклланишида миллий бирлик ғоясининг ўрни ва аҳамияти жуда катта эканини ҳам асло унуттиш мумкин эмас.

Маънавий идеални масаланинг фақат маънавий томонлари билангина боғлаш унчалик ҳам тўғри бўлмайди. Бундай идеал жамиятда сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий ҳамкорлик масалалари ўта муҳим ўринга эга. Шу маънода, маънавий идеал минг йиллар давомида мутафаккир алломаларимиз томонидан яратилган ва халқимизни доимо эркинлик, эзгулик, юксак ахлоқ, ватанпарварлик, миллий бирлик ғоялари билан қўрқулантирган ҳамда илхомлантирган ҳолда жамият томонидан белгилан олган ижтимоий мўлжалга етишга имкон берадиган, сафарбар этадиган феномен ҳодисадир.

Юқоридики фикрлардан англаш мумкинки, бугун мамлакатимизда маънавий идеалларни шакллантириш борасида талай ишлар бажарилиди. Бундай идеалларнинг илмий-ижодий пойдевори мавжуд. Тобора шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда маънавий идеалларимизни замонга мос, янги мазмун билан бойитиш бораётир. Аслида, том маънодаги маънавий идеаллар қўнча тарих қарғида шаклланган, кишиларни эзгулик, инсонпарварлик, яхшилик, юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келган илғор ғоялар, таълимотлардир.

ва таълимотлар сингдирилишига устувор эътибор бериш лозимлигини талаб этмоқда.

Учинчидан, одамларимизда маънавий идеалларимизга содиқлик ҳиссини оширишга ҳалақит қилаётган субъектив омиллар эса айримларда, айниқса, баъзи раҳбар ходимларда зиёилик сифатларининг пасайиб бораётгани билан белгиланади. Зиёилик аниқ мақсад йўлида инсон томонидан ўзини ўзгартириш борасидаги ҳаракат. Биз бир зарб билан, бирдангина жамиятни маънавий жиҳаддан соғломлаштира оламимиз. Бугунги глобал ўзгаришлар даврида бунини зудлик билан ҳал этишнинг илҳоми ҳам йўқ. Жамиятни поклатириш, юксак маънавий-ахлоқий муҳитни барпо этиш, аслида, конкрет шахс дунёқарши, руҳияти, маънавий кўрсаткичлари асосидагина юз беришини унутиш мумкин эмас. Биз бугун ўз олдимизда маърифатли жамият барпо этишни устувор вазифалардан бири сифатида қўйганмиз. Маърифатли жамият эса қўпол, андишасиз, риёкор, дангас, бир сўз билан айтганда, тарбиясиз кишилар жамияти эмас. Айниқса, бугун айрим ёшларимизда агрессивлик ҳолатининг кучайиб бораётгани бугун жамиятни хавотирга солаётгани ҳам бор гап.

Шунинг учун ҳам маърифатли жамиятда одамларда зиёилик сифатлари авж олган муҳит яратилишини инобатга олиш лозим. Бу муҳитда ўзаро самимийлик, бир-бирига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, ҳар бир ҳаракатда юксак ахлоқийлик намуналарини намойиш этиш, собитқадмлик, адолат, шафқат ва марҳаматлик, тавозе, вафо ва аҳд, ростгўйлик, андиша, фаросат, ғайрат ва шижоат билан ишлаш каби хислатлар реал кучга айланиши керак. Бир сўз билан айтганда, маърифатли жамият одамларида зиёилик устувор аҳамият касб этади.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, агар биз одамларда маънавий идеалларга содиқлигини кучайтира оламиз, унда жамият аъзоларида зиёилик хислатлари янада кўпаяди. Биз юқоридики таъкид этганимиз каби маърифатли жамият зиёиллар жамиятидир. Одамларда маънавий идеалларга содиқлик хислатлари ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бунинг учун ҳар биримизда соғлом маънавий эҳтиёж зарур. Соғлом эҳтиёж кишиларнинг тинимсиз ўқиши, изланиши, янгиликка интилиши, ўзини қийнаши натижасидагина юзага келади. Бугунги ҳолатимиздан қониқиб ҳосил қилишимиз маънавий идеалларга содиқлик йўлида биз танлаган хато йўлдан бошқа нарса эмас.

Маънавий идеалларни тўғри танлаш жуда оғир вазифа. Бугун ҳайвоний истак ва майларга қўл бўлиб, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини фақат айш-ишрат, лаззатдан иборат деб билиш, миллий қадриятлар сўниб, минг йиллар давомида шаклланган маънавий идеаллар беъэтибор қолаётган бир шароитда майдонга зўравонлик, беъаёлик, супер қаҳрамонларнинг чиқishi бугун жамиятни безовта қилмоқда.

Миллат соёиёти, унинг бирлиги, буюк давлатчилик арконлари мустақамлигини таъминловчи куч бизнинг миллий идеалларимиз ва халқимизнинг унга содиқлик даражасидир. Ўз миллий қадриятларимиз, миллий-маданий меросимизга суянган ҳолда дунёнинг ривожланган давлатлари ва халқлари тажрибасини ўрганиш, келажакка соғлом тафаккур билан қараш асосида танланган ижтимоий мўлжалимиз минг йиллар давомида шаклланган ҳамда бугун тараққиётнинг янги талаблари асосида бойиб бораётган маънавий идеалларимиз билан уйғунлаштириш, шубҳасиз, мамлакатимизни янада ривожлантиришда, халқимизни янги марраларга олиб чиқади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



ЗАМИНИМИЗ САХОВАТИ, МИРИШКОРЛАР ШИДДАТИ

8 миллион тоннали хирмон уюлди!

Бошланиши 1-бетда

Глобал иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги, халқаро савдо-сотиқ ва транспорт логистикаси билан боғлиқ муаммолар кузатилаётган мураккаб вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш барча давлатлар кун тартибидagi энг муҳим масалалардан бирига айланди. Айтиш мумкин, қолаверса, юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг юқори салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида мазкур тармоқда ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳага бозор муносабатларини татбиқ этиш, ерга эғалик ҳуқуқи кафолатларини кучайтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш каби қатор йўналишлардаги янгиликлар агар секторимиз ривожини янги босқичга олиб чиқди.

Ўртача ҳосилдорлик 70 центнердан ошди

Буни биргина ғаллачиликда қўлга киритилаётган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, пахта билан бирга ғалла майдонлари ҳам қисқариб бораётган бир пайтда ҳосилдорликни ошириш ҳисобига етиштирилган ялпи ҳосил ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. Жумладан, 2020 йилда ҳосилдорлик гектаридан ўртача 57 центнерни, 2021 йилда эса 64 центнерни ташкил этган бўлса, ўтган йили 70 центнерга етди. Жорий мавсумда эса миришкорларимиз гектаридан 70 центнердан ошириб ҳосил олди. 8 миллион тоннадан ортиқ дон хирмон кўтарилди.

— Бу йил фермер ва ғаллачилик кластерлари томонидан 1 миллион 248 минг гектар майдонда бошоқли дон экинлари етиштирилди, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдулла Мансуров. — Ғаллакорларга берилган имкониятлар орқали юқори ҳосилдорликка эришиш чоралари қўрилди. Хусусан, бошоқли дон етиштириш харажатларини молиялаштириш учун Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 5 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ҳосилдорликни ошириш мақсадида биологик эскирган навлар ўрнига бугдойнинг юқори ҳосилли, ноқулай об-ҳавога чидамли “Аср”, “Ўзбекистон-25”, “Давр”, “Жасмина”, “Бунёдкор” каби 12 та янги кузги нави майдони 585 минг гектарга кенгайтирилди.

Экин мавсуми мақбуллиги, ноябрь ойидаги ёғингарчиликлар ҳисобига асосий ғалла майдонларидаги экинлар тупроқнинг табиий нам шароитида ундириб олинди. Шунингдек, март-май ойларида азотли минерал ўғитлар билан 3 марта ҳамда макро-микроўғитларга бойитилган биостимуляторлар билан суспензия усулида 4-5 марта баргидан озиклантирилди. Бегона ўт, касаллик ва зараркундаларга қарши кимёвий ва биологик ишловлар ўз вақтида ўтказилди.

Ақсарият вилоятларида юқори ҳосилдорлик қайд этилди. Жумладан, суғориладиган ердан бухоролик ғаллакорлар ўртача 74,8 центнердан ҳосил олган бўлса, Тошкент вилоятида бу кўрсаткич 74,2 центнер, Самарқандда 73,8 центнер, Фарғонада 73,7 центнер, Андижонда 73,5 центнер, Хоразмда 73 центнер, Сурхондарёда 72,3 центнер, Сирдарёда 72,1 центнер, Наманганда 72,6 центнерни ташкил этди.

— Етиштирилган ғалла ҳосилини сифатли ўриб-йиғиб олиш мақсадида 2 минг 557 та ғалла ўриш отряди ташкил этилиб, уларга юқори унумли 3 минг 205 та ғалла ўриш қўймағини, 14 минг 725 та юк автомобили, мингта трактор тиркамаси, 1 минг 261 та кўчма устакон ва 1 минг 131 та ёнгили қўйиш шохбаси бириктирилди, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги департамент бошлиғи Зафар Ортиқов. — Ғалланинг пишиш ҳолатидан келиб чиқиб, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 22-24 май, Сирдарё, Тошкент ва Бухорода 29 май, Жиззахда 31 май ҳамда Фарғона ва Навоийда 2 июнь, Андижон, Самарқанд ва Хоразмда 5 июнь ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 8 июндан ғалла ўримиغا киришилди.

Китоб, Шахрисабз, Яқабоб, Учқўрғон, Поп, Турақўрғон, Мирзачўл, Пахтакор, Қамаш, Норин, Олтинсой, Сарисийё, Денов, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Музабот, Термиз, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунбод, Сирдарё, Бувайда, Данғара, Қўва, Олтиарик ва Фурқат туманларида

нисбатан юқори самарадорлик қайд этилиб, ҳосилдорлик 76-80 центнерга етди. Пировардида, республикамиз бўйича гектаридан ўтган йиллардагига нисбатан юқори — 70 центнердан ошириб ҳосил олишга эришилди.

Ғаллакорларимизнинг улкан хирмон кўтаришида Мирзачўл туманидаги “Огабек Собирович”, Учқўрғондаги “Фарход замин толаси”, Каттақўрғондаги “Жамолов Лутфулло далалари”, Ангордаги “Икки дўст Сурхон Ангор”, Жарқўрғондаги “Отақум Умидли Барака”, Қумқўрғондаги “Хуришд Жўраев”, Боёвўтдаги “Бекзод Облоқулов”, Беконинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори, айтиш керакки, бу борада ҳуқуқий асос ўлароқ, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Негаки, мазкур қарор ғалла етиштирувчилар, жумладан, фермер хўжалиқларининг моддий манфаатдорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда ғалла ҳосилдорлиги ҳамда унинг ялпи ҳажмини кескин оширишга йўл очмоқда.



— Бу йил фермер ва ғаллачилик кластерлари томонидан 1 миллион 248 минг гектар майдонда бошоқли дон экинлари етиштирилди, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдулла Мансуров. — Ғаллакорларга берилган имкониятлар орқали юқори ҳосилдорликка эришиш чоралари қўрилди. Хусусан, бошоқли дон етиштириш харажатларини молиялаштириш учун Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 5 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.


Бозор тамойилларига мослашув

Мамлакатимиз ғаллачилик тармоғида бу каби ижобий натижага эришилишида фермер хўжалиқларининг манфаатдорлиги йилдан-йилга ошиб бораётгани муҳим омил бўлмоқда.

дан кўзланган асосий мақсад бугдой ва ун нархлари барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Қолаверса, маҳсулотлар учун нархлар барқарорлигига эришишнинг энг самарали усули талаб ва тақлиф муносиблигини таъминлаш ҳисобланади. Шаффоф биржа савдолари эса мана шундай имкониятларни тақдим этади.

Мазкур вазифалар ижроси доирасида Республика товар-хонашў биржасида зарур шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, бугдойни биржа орқали сотишда фермерлар биржа комиссияси тўловлари ва гаров маблағини қиратишдан озод этилди. Бундан ташқари,



Такрорий экиндан қарийб 12 миллион тонна маҳсулот

Юқорида айтганимиздек, айтиш керакки, бу борада ҳуқуқий асос ўлароқ, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Негаки, мазкур қарор ғалла етиштирувчилар, жумладан, фермер хўжалиқларининг моддий манфаатдорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда ғалла ҳосилдорлиги ҳамда унинг ялпи ҳажмини кескин оширишга йўл очмоқда.

Қарордаги энг муҳим жиҳатлардан бири — ун маҳсулотлари 2022 йилнинг 1 июнидан, ғалла маҳсулотлари эса 1 июлидан бошлаб очiq биржа савдоларига қўйилиши белгилаб берилди. Бундан ташқари,



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Бундан ташқари, биржа орқали туманларда самарали сотилишини йўлга қўйиш мақсадида 20 мингдан зиёд фермер ўқитилди ҳамда биржада электрон рақамли имзо орқали соддалаштирилган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, брокерлик идораларига бириктирилди.

Брокерлар сонини кўпайтириш мақсадида Савдо-саноат палатасининг қарийб 200 ходими, фермер хўжалиқларининг 500 дан зиёд бухгалтерли брокерликка ўқитилиб, биржада брокер сифатида рўйхатдан ўтказилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: пировард натижа қандай бўляпти? Макроиқтисодий ва ҳудудий тадиқотлар институти экспертлари томонидан ўтказилган ўрганишларга қўра, 2022 йилнинг июль ойидан 2023 йилнинг март ойигача бўлган даврда биржада олий навли импорт унинг ўртача нархи 11,4 фоиз, маҳаллий олий навли унинг ўртача нархи эса 13,7 фоиз тушган.



Такрорий экиндан қарийб 12 миллион тонна маҳсулот

Юқорида айтганимиздек, айтиш керакки, бу борада ҳуқуқий асос ўлароқ, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Негаки, мазкур қарор ғалла етиштирувчилар, жумладан, фермер хўжалиқларининг моддий манфаатдорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда ғалла ҳосилдорлиги ҳамда унинг ялпи ҳажмини кескин оширишга йўл очмоқда.

Қарордаги энг муҳим жиҳатлардан бири — ун маҳсулотлари 2022 йилнинг 1 июнидан, ғалла маҳсулотлари эса 1 июлидан бошлаб очiq биржа савдоларига қўйилиши белгилаб берилди. Бундан ташқари,

Фарғона вилоятида ҳам бу борадаги ишлар айтиш керакки, бу борада ҳуқуқий асос ўлароқ, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Негаки, мазкур қарор ғалла етиштирувчилар, жумладан, фермер хўжалиқларининг моддий манфаатдорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда ғалла ҳосилдорлиги ҳамда унинг ялпи ҳажмини кескин оширишга йўл очмоқда.

Уйимизга яқин ҳудуддан 20 сотих ер беришди, — дейди “Қумарик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жаҳонгир Акбаров. — Уйдагилар билан маслаҳатлашиб, мош экидик, шу орқали оиламизнинг қўшимча даромади топишига ҳисса қўшмоқчиман. Бунда экинларни парварिशлаш билан боғлиқ агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, тайёр маҳсулотни шу ернинг ўзида сотиш борасида амалий кўмак бериб келинаётгани айтиш мумкин бўляпти.

55 минг оилага қўшимча даромад киради

Фарғона вилоятида ҳам бу борадаги ишлар айтиш керакки, бу борада ҳуқуқий асос ўлароқ, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Негаки, мазкур қарор ғалла етиштирувчилар, жумладан, фермер хўжалиқларининг моддий манфаатдорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда ғалла ҳосилдорлиги ҳамда унинг ялпи ҳажмини кескин оширишга йўл очмоқда.

Уйимизга яқин ҳудуддан 20 сотих ер беришди, — дейди “Қумарик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жаҳонгир Акбаров. — Уйдагилар билан маслаҳатлашиб, мош экидик, шу орқали оиламизнинг қўшимча даромади топишига ҳисса қўшмоқчиман. Бунда экинларни парварिशлаш билан боғлиқ агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, тайёр маҳсулотни шу ернинг ўзида сотиш борасида амалий кўмак бериб келинаётгани айтиш мумкин бўляпти.

Жарқишлоқлик Қиличбек Аминжонов иш излаб бир неча йил ўзга юрларни кезди. Лекин тоғани ўзидан ортгани йўқ. Маҳалла фаолларининг таклифи билан унга ҳам 20 сотих ер майдони, 150 килограмм дон, чорва учун сомон берилди. Қиличбек берилган ерга маккажўхори экиди. Агар ҳосил кутилганидек бўлса, 2 тоннага яқин дон олиши мумкин. Бир килограмм макка дони бозор нархида 3-4 минг сўм эканини ҳисобга олсак, даромад чўғини чамалаб олиш қийин эмас. Поёси эса чорва учун тўйимли озука, агар сотса, у ҳам яхшигина пул.

— Авваллари такрорий экин экиш учун ер овлари тор доирада, таниш-билишлар орқали ҳал этиларди, — дейди Қиличбек. — Иккониетимиз йўқлиги учун ер оломай, ер эгаси билан тенгшериклик асосида ишлашга

мажбур бўлганмиз. Натижада меҳнатимизга яраша манфаатдор бўлмасдик. Тенг ермини фермерга берардик-да. Энди ҳаммаси изга тушиб, ер ажратиш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинди. Узоққа, яқинларимиздан олисга иш излаб бормасдан, шу ернинг ўзида ҳам мўмай даромад олиш имконияти яратилди. Бундан жуда хурсандман.

Риштон туманида ҳам бу муҳим жараён қизгин. Жорий мавсумда тумандаги 7 минг 50 гектар ерга такрорий экин экиш билан боғлиқ амалий ишларга киришилди. Ғалладан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланиб, такрорий экин экилмоқда. Мавсум давомида ишсиз, ижтимоий дафтарларга киритилган 1 минг 900 фуқарога 380 гектар унумдор ер қўшимча даромад топиш учун бўлиб берилмоқда.

— Уч фарзандимни ёлғиз тарбиялаяман, шу боис, “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилганман, — дейди “Оқтомир” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Феруза Халилова. — Менга “Оқ ер фазли” фермер хўжалигидан 20 сотих ер ажратиб берилди. Экин майдони шудгорланиб, керакли уруғ ва ўғит олиб келинди. Бу меҳнат қилиб, даромад топиш йўлида берилган катта имконият. Оила аъзоларим билан баҳамжиҳат меҳнат қилаймиз. Мақсадимиз — экинлар ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш. Чунки сархил ҳосилнинг даромади ҳам салмоқли бўлади.

“Амиробод” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Элёр Долимов “Амиробод замини” фермер хўжалиги ғалласидан бўшаган ерда такрорий экин етиштириш учун ҳаракатни бошлаб берибди. Эътиборлиси, у шивит ва кашинчининг сархил навидан олган ҳосилини нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам олиб чиқишни қўзғаб турибди.

Умуман олганда, Фарғона вилоятида бу жараён қизгин ва ушқоқлик билан давом этмоқда. Ғалладан бўшаган майдонларга ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити, энг асосийси, сув таъминотини ҳисобга олиб, сабзаот, полиз, мойли, дуккакли экинлар экишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Жойларда ғалладан бўшаган майдонларни сифатли шудгорлаш, уруғ, минерал ўғитлар билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш билан боғлиқ агротехник тадбирларга амал қилиш юзасидан ўқув-семинарлар ўтказилди.

— Бу ишлар учун 3,9 минг тонна уруғлик, 15,5 минг тонна ёқилги-мойлаш маҳсулотлари, 145,5 минг тонна минерал ўғит, 1701 миллион метр куб сув сарфлангани ҳисоб-китоб қилинган, — дейди вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Абдуқоҳқор Қодиров. — Ушбу мавсумда ишсиз, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 55 минг фуқарога такрорий экин экиш имконияти яратилди. Ажратилган майдонлар кластер корхоналари томонидан шудгорланиб, 3 минг тоннадан ортиқ бугдой ва 150 минг донга сомон пресси етказиб берилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тақдим этган маълумотларга қўра, республикамиз бўйича такрорий экин майдонларида йил якунига қадар ҳам 11,8 миллион тонна маҳсулот етиштирилиши прогнози қилинган. Жумладан, 1,9 миллион тонна сабзаот, 766,7 минг тонна полиз, 1,2 миллион тонна картошка, 57,4 минг тонна мойли, 381,8 минг тонна дуккакли, 615,6 минг тонна шоли, 6,9 миллион тонна озуқабоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Уларнинг 790 минг тоннаси қайта ишлашга, 318 минг тоннаси эса экспортга йўналтирилади. Шунингдек, 346 минг тонна маҳсулот уруғликка ажратилди, 566 минг тоннаси қиш-баҳор мавсуми учун захирга жамғарилди, 225 минг тоннаси ярмаркаларда сотилади ва 2,1 миллион тоннаси ички истеъмолга йўналтирилади.

Такрорий экиндан олинандиган ялпи ҳосил ҳажми 2022 йилдагига нисбатан 673 минг тонна кўп бўлиши кутилмоқда. Бу, биринчидан, бозорларимиз тўқинлиги, нархлар барқарорлигига хизмат қилса, бошқа томондан, дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи муттасил ўсиб бораётган бир шароитда экспорт ҳажмини ошириш учун яхши имконият яратди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳоррири

Халқимизда азалдан илм толибларини қўллаб-қувватлаш маданияти шаклланган. Бу эзгу анъана асрлар давомида турли шарт-шароит, воқеа-сабаблар билан гоҳ жадаллашган, гоҳ сусайган бўлиши мумкин, лекин асло изсиз кетмаган. Зеро, оққан дарё оқаверади. Бугун ҳам ўшандай ўлмас кадрятлар қайта жонланиб, йилдан-йилга бўй кўрсатиб бораётир.

ТАЪЛИМ ВА ТАЛАБА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР КЎЗГУСИДА

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ли, талабаларнинг ҳар бирига индивидуал ёндашиб, ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга алоҳида ургу берилди.

Мазкур имконият туфайли кўплай оилаларда тинч-тотувлик муҳити қарор топди. Илгари фарзандим олий маълумотли бўлсин, деб ота-оналар бор машаққатни елкасига олган. Оғзаки ҳисоблаб кўрилса, вилоятдан пойтахтга келиб ўқиган талабанинг бир курс харажатлари анча-мунчани ташкил қиларди. Камиди 10 миллион сўм тўлов контракт, кундалик эҳтиёжлари учун ҳар ой камиди 2-3 миллион сўм пул, кийим-кечагию бошқа сарфлари билан қўшиб ҳисоблаганда йилга 45-50 миллион сўм атрофида бўларди.

Энди тасаввур қилинг, ойлик маош эвазига кун кўрувчи ўртамайна оила учун шунча маблагни топиш осонми? Наридан бора, 5 миллион сўм маошга ишлаган ота-она топангани боласига юборсинми, рўзгорини тебратсинми? Иқтисодий қийинчиликлар, ҳеч шубҳасиз, оила товулигига таъсир қилмасдан қолмайди.

Боласини ўқитиш учун икки сменадан ишлаган оталар, пахта мавсумининг бошидан охиригача даладан уйга қайтмай пахта терган оналар ҳақида эшитганимиз. Президентимиз томонидан яратилган ушбу имкониятни айнан шундай "қаҳрамон" ота-оналар янада қувонч билан қарши олган бўлса, не ажаб!

Учинчидан, ушбу имконият жамиятда кадрлар салоҳияти ривожланишига ҳам ижобий таъсир этди. Олийгоҳда оладиган билимларини кўп ўтмасдан амалиётда сынаб кўрувчи талабада касбий ривожланиш анча икки қилиши тадқиқотларда исботланган.

Мисол учун, энди талаба 2-курсда олган билимини ҳақиқий иш амалиётида сынаб кўриши учун ўқишни битиришини кутиши шарт эмас. Хотира хусусиятларига кўра, тақрирланмаган билимнинг эсдан чиқиб кетиши ҳам жуда осон кечар экан. Китобда ўқилганларини ўз вақтида амалиётда сынаб кўриш эса бу билимларнинг хотирада муҳрланиб қолишига замин яратди.

Билимни, ҳар томонлама етук ходимларга талаб тобора ортиб бораётган бугунги замонавий жамиятимизда эса бу ҳар томонлама тўғри қарор бўлди, десак адашмаймиз.

Янги танлов фильтри

Президентимиз берган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида республика бўйлаб кенг тармоқли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бошланди. Маҳаллий ҳокимликлар ва ташкилотлар томонидан бўш иш ўринлари таҳлил қилиниб, уларга талабаларни қабул қилиш имкониятлари ўрганилди. Вакансиялар базаси асосида республикамиздаги барча олий таълим муассасаларида

маҳаллий ҳокимлик ва ташкилотлар вакиллари иштирокида меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. ОТМлар раҳбарияти бу ярмаркалар орқали ишлашга эҳтиёжи бўлган барча талабаларни қамраб олиш бўйича тизимли ишларни амалга оширди, жумладан, масъуллар иштирокида мавзуга бағишланган ахборот соатлари ўтказилди.

Шунингдек, фақат талабалар учун мўлжалланган иш излаш платформалари ишлаб чиқилгани, унда янги иш ўринлари узлуксиз эълон қилиб борилигани таҳсинга сазовор. Қўшимча равишда бу ваканциялар базаси ОТМларнинг расмий саҳифаларига ҳам жойлаб борилди.

Бир сўз билан айтганда, давлат ташкилотларининг талабаларга муносабатида сезиларли ўзгариш юз берди. Бундан аввал "талабани ишга ололмаймиз", деб эшикни кўрсатган раҳбарлар энди уларни самимий қабул қилиб, аввал ҳақ туланадиган амалиётчи, кейин эса доимий ходим сифатида ишга қабул қила бошлади.

Яна бир қувонarli жиҳати, талабаларни иш билан қамраб олиш фақат меҳнат ярмаркалари билан чекланиб қолмай, асосий иш платформаси ҳисобланувчи ish.mehnat.uz сайтида ҳам "Талабалар учун иш" деган янги танлов фильтри қўшилди. Бу эса сайтга кирган талаба учун қўплай вакансия орасида ўзига мосини топишда қулайликни бир неча баробар оширишга хизмат қилади.

МАОШИМДАН ОРТТИРИБ, СИНГЛИМГА ҲАМ ЁРДАМ БЕРЯПМАН

Рушана САЪДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Миллий университети талабаси:



— Давлат ташкилотларига ишга киришга бир неча марта уриниб кўрдим, талабаларимни рўқча қилиб ишга олишмади. Шундан сўнг инглиз тилини билганим учун ёзма таржима бюртомалари билан шуғуллана бошладим. Лекин бюртомалар доим ҳам бўлавермас, хизмат ҳақи нари борса, харажатларимнинг ярмини қоплар эди.

Ҳа, юртимизда ана шундай ҳам ўқиб, ҳам ишлаётган талабарлар бугунги кунда кўпчиликни ташкил этади. Бу уларнинг мустақил шахс бўлиб камолга етишида, етук мутахассис сифатида шаклланишида муҳим босқич, десак адашмаймиз. Талабаларга давлат миқёсида бундай ғамхўрлик кўрсатилиши эса таҳсинга сазовор.

Бир куни аудиторияга деканимиз кириб, энди талабалар ҳам давлат ташкилотига ишласа бўлишини, истасак, ўзимизни сынаб кўришимиз мумкинлигини айтиди. Бу хабарни эшитиб, ҳаловатим йўқолди.

Ваканциялар рўйхатидан излаб-излаб ўша пайтдаги Инновацион ривожланиш вазирлиги матбуот хизматида бўш иш ўрни борлигини топдим. Ариза юбордим, бир неча кун ўтгач, сўхтабга чакриришди. Чет тилини билганим ҳамда нутқим раво бўлгани кўл келиб, ишга қабул қилиндим. Энди тасаввур қилинг, оддийгина талаба кизнинг вазирликка ишга кириши ота-онани қанчалик ҳурсанд қилади. Отамга бу ҳақда айтганимда, кўнгли тоғдай кўтарилиб кетди. Онамнинг айтишича, отам ўша кунни қариндошларимизни чакриб, меҳмон қилибди.

Энди ўқишни ҳам, ишни ҳам бирга олиб боришга ҳаракат қила бошладим. Бошида сал қийин бўларкан, кейин анча мослашаркансиз.

Ўтган йили синглим ҳам пойтахтга ўқишга кирди. Минг шукрки, маошимдан орттириб, унга ҳам ёрдам беряпман. Илгори борича отамга енгил бўлишини уйлайман.

Жонибек АЛИЖОНОВ, журналист

ЎЗИМНИ ЭРКИН ШАХС ҲИСОБЛАЙ БОШЛАДИМ

Элёр ЖҲРАЕВ, Тошкент давлат шарқшунослик университети талабаси:



— Ота-онам ўқитувчи бўлгани учун ёшлардан бизнинг яхши ўқишимизга жиддий эътибор берган. Болалигимиздан асосий вақтимиз уларнинг ишхонаси — мактабда ўтарди.

Кутубхона менинг яхши кўрган жойим эди. Бадиий китоблар, газеталарни 5-6-синфалигимдан бошлаб ўқишни бошлаганман. Китобга дўст бўлган киши ундан ажрала олмай қолар экан. Мен ҳам китобларнинг ашаддий мухлиси бўлиб қолгандим.

Қизиқишимни кўриб, тарих ўқитувчимиз фан олимпиадаларига жалб қилиб, ота-онамга "ўғлингизни, албатта, Тошкентда ўқитинг, ундан олим чиқади", дерди. Устозимнинг бу гапи мактабни битирганимча мен учун дастуриламал бўлиб қолди. Тошкентда ўқиш орзуси бутун фикримни эгаллаб олган, фақат шуну ўйлардим. Шунга яраша мактабда ҳам энг азъочли бўлишга ҳаракат қилдим. Ота-онамнинг розилиги билан Тошкентга ўқишга кирдим.

Лекин ҳақиқий ҳаёт, ҳақиқий машаққат энди бошланганини пойтахтга келиб тушуниб етганман. Йигит киши учун ота-онага суяниб талаба бўлишининг ўзи бўлмас экан. Фақат ширин орзулар оғушида яшаб, Тошкентда ўқишининг қийинчилиги, моддий таъминот ҳақида ўйламаганман. Ишлаш деган иш ҳам, иш топишга ёрдам берадиган одам ҳам йўқ.

Ростини айтман, оиламни бунчалик қийинчиликка қўйишни истамай, бир неча марта ўқишни ташлаш ҳақида ҳам ўйладим. Лекин бунга нимадир тўсқинлик қилаверди. Шу зайдла 2-курс

бўлдим. Бу орада отам ўзи миниб юрган машинасини контрактимни тўлаш учун сотишга мажбур бўлди. Ана шундай ўловда юрган кунларнинг бирда устозимиз меҳнат ярмаркаси ўтказилаётганини айтиб қолди. Мен иш излаб юрганнимда, бу масалада ёрдам беришини илтимос қилдим.

Шундай қилиб, факультетимиз раҳбарияти кўмаги билан пойтахтдаги музейлардан бирига мутахассис бўлиб ишга жойлашдим. Бир ой синов муддати берилди, кейин эса ходим сифатида ишга олдиди.

Маош тушгани ҳақида телефонимга келган хабарни қайта-қайта ўқиганман. Ахир умримда биринчи марта ота-онамдан мустақил пул топишим эди-да. Мен ўзимни илк бор молиявий мустақил ҳис қила бошладим. Илгари барча режаларим ота-онамнинг имкониятига боғлиқ эди, энди ўзим режа тузишим мумкин бўлди.

Олдимга қўйган катта мақсадларимдан биттаси — мен учун машинасини сотган отамга янги машина соғва қилиши. Президентимизнинг мен каби ёшларга яратиб берган имкони туфайли бугун кайфиятим яхши, билим олишга хоҳишим кучли. Келажакда билим ва салоҳиятимни мамлакатимиз равнаки учун йўналтираман.

НИГОХ



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Навоий давлат кончили ва технологиялар университети мамлакатимиз тоғ-кон саноти учун малакали мутахассислар тайёрлайдиган нуфузли олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Юртимиз олий даргоҳлари рейтингда 5-ўринни эгаллаб турибди. Ушбу таълим масканда 2000 йилда икки ярим минг талаба таҳсил олган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич саккиз ярим мингга етди. Талабаларга 300 дан зиёд малакали педагог таълим бериб келяпти. Уларнинг 29 нафари дан доктори, 121 нафари фан номзоди илмий даражасига эга.

Университетнинг таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, педагогика фанлари доктори, профессор Саодат Бозо-

рова танлаган касби орқали хурмат қозонган ва ўзини бахтли олимпиада сафида кўрадиган соҳа вакилларидан бири.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ

узлуксиз тараққиёт демак

— Ушбу таълим даргоҳида 1982 йилда фаолият бошлаганман ва қирқ йилдан зиёд вақт давомида талабаларга дарс бериб келаман. Бу ерга келганимнинг дастлабки кунлариде лаборатория жиҳозларининг эскилигини кўриб, гоҳида афсусланганман. Сабаби, ўша йиллари илмий тадқиқот юритиш учун ушбу таълим масканда етарли шароит йўқ эди. Илмий ишлар учун зарур лаборатория жиҳозлари у вақтда фақат хорижда бўлиб, чет элга чиқиш мен учун деярли имконсиз бўлган. Шунинг учун ҳам илмий иш қилиш, тадқиқотлар ўқатиш жуда ҳам машаққат эди. Жамоамиз аёлларидан бор-йўғи бир нафари илмий даражага эга бўлиб, қолганлари катта ўқитувчи сифатида фаолият олиб борарди. Орадан йиллар ўтди, табиийки, кўп нарсга ўзгарди. Бугун у ҳолатлар туш каби ўтмишда қолди. Ўтган йиллар давомида таълим муассасаларига эътибор кучайди, моддий-техник базаси яхшиланиб, лабораториялар замонавий жиҳозланди. Шундай имкониятлардан фойдаланиб, фан доктори, профессор илмий даражасини олишга эришдик, — дейди Саодат Бозорова.

Албатта, илмий изланишлар учун имкониятлар кенгайтиши базаси университетнинг моддий-техник базаси билан боғлиқ. Рақамлар мисолида таҳлил этсак, университетда 2018 йилда илмий химия ишлари сони 17 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилда 26 та, ўтган йили эса 40 тага етди. Университет олимлари томонидан интеллектуал мулкка эгалик бўйича 12 та патент олинди. Халқаро илмий ҳамкорлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Олий ўқув юртида таҳсил олиш истагиндаги ёшлар сони ортиди, илмий тадқиқотлар бўйича изланаётган педагоглар сифатида кенгаймоқда.

19 гектар ер майдонини эгаллаган университет ҳудудининг 60 фоизи лабораториялардан иборат. Бу эса нафақат эгалланган назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш учун қулай, балки илмий-тадқиқот учун ҳам яхши муҳит. Янгилик яратишга қодир, кашфиётлар устида ишлаётган, мамлакатимиз тоғ-кон саноти ривожига учун муносиб ҳисса қўлиш мақсадида тинимсиз изланиш олиб бораётган талабалар, ёш олимларни ҳам айнан шу таълим даргоҳида кўриш мумкин.

Соҳада ривожланиш учун, аввало, илмий изланиш ва албатта, илмий манбалар зарур. Университет ахборот-ресурс марказидаги манбалар талаба ва ўқитувчилар учун бу борада ҳақиқий ҳазина. 180 мингдан зиёд номдаги электрон китоблар, 90 мингдан ортқ босма адабиёт педагогик жамоанинг илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Илмий даражага эга бўлиш, шубҳасиз, соҳа вакилининг ҳурматини оширади. Ёш олимларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор, имконият ва имтиёзлар эса навбатдаги марраларни забт этишга куч бағишлайди. Албатта, инсон қайси соҳада фаолият юритмасин, меҳнати қадр топишини, касби чин маънода фахрига айланишини хоҳлайди. Бугун Навоий давлат кончили ва технологиялар университетида фаолият юритаётган педагоглар илим йўлида хурматга сазовор бўлган, моддий манфаатдорлиги ошган мутахассислар сафида. Бу ҳам юртимизда инсон қадри учун тамойилининг яна бир ёрқин ифодасидир. Айни пайтда таълим муассасасида яратилаётган янгидан-янги имкониятлар, шарт-шароитлар устозларни янада фаол бўлишга ундаш билан бирга, ўз касбидан, ҳаётидан маънуулигини намоён этмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ЯНГИ НАШР

“Бобурнома” ИТАЛЬЯН ТИЛИДА

ёхуд Ғарбнинг Шарққа тавба-тазарруси

Султонмурод ОЛИМ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 январда қабул қилинган “Буюк шоир ва олим, машхур давлат арбоби Захриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори 2-бандида, жумладан, “Захриддин Муҳаммад Бобурнинг илмий-ижодий меросини, давлатчилик ва саркардалик фаолиятини кенг ўрганиш мақсадида халқаро микёсда илмий изланишлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш, янги илмий, бадиий-публицистик асарлар яратиш” белгиланган эди.



ушбу ҳам Биринчи Шарқ Ренессанси шундай асос вазифасини ўтади. Ҳатто XIII асрга қадар Италия ҳукмдорлари саройларида айнан ислом Шарқи, айниқса, араб ҳукмдорлари саройларидаги урф-одат, анъана ва тартиб-қоидаларга амал қилинганига тарих гувоҳ.

Утган асрларда Ғарбнинг Шарққа бепишандлик билан қарши Буюк Шарқ асарлари таржималарига муносабатда ҳам яққол намоён бўлди. Албатта, бунда таржимонларни айблагша ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Муайян асарни бир тилдан иккинчисига ўзгариш таржимон ҳамма вақт ҳам муқаддас вазифани бажарган бўлади. Аммо гап ўша таржимани қандай мақсад билан ўқиш ҳақида бораётир.

Муқаддас ислом динида: “Ҳамма нарса ниятга боғлиқ”, деган буюк ақида бор. Ҳар қандай асарни ҳар ким ҳар хил ният билан ўқийди. Қимдир ундан фақат фазилат излайди-да, хато ва камчилигини кўрмайди. Бошқа бир киши, аксинча, ундан фақат хато ва камчилик излайди.

Таржима асарга муносабат ҳам худди шундай.

қолган эди. Биздаги Биринчи Ренессанс даври, яъни IX-XII асрларда лотин ва юнон тилларидаги ноёбдан-ноёб буюк асарлар араб тилига ўғирилди. Шу тариқа улар яна қайтадан умумбашар мулкига айлантирилди. Бундан кейин юз берган Ғарб Уйғониш даврида эса, аксинча, европаликлар ўз тарихий меросларини шарқликлар шарофати

Асарни Федерико Пасторе инглиз тилидаги Уилер Такстон таржимаси асосида ўзгариш. У ўз таржимасини кўплаб изоҳ ва шарҳлар билан бойитиб, италиян ўқувчисининг Бобур сатрлари моҳиятига етишишга кўмак берган. Таржимон “Бобурнома” ислом цивилизациясидаги автобиографик асарнинг биринчи намунаси ҳисобланади”, деб ёзади.



билан араб тили орқали ўргана бошладди. XX-XXI асрларга келиб, яна вазият бутунлай ўзгарди — энди Шарқ ўз тарихий меросини Ғарб илмига суянган ҳолда ўрганди. Қайтар дунё деганлари шу.

Иккинчидан, маданиятларнинг бир-бирига ўхшамаслиги ҳали улардан биринчи иккинчисидан устун ёки паст даражада эканини аниқлашга аён бўлди. Ҳар қандай маданият қайсидадир жиҳатлари билан бошқа маданиятлардан устун бўлиши мумкин-ку.

Учинчидан, глобаллашув жараёнидаги манфаатлар бирлиги ҳамма замонда ҳам бундай айирмачиликни инкор этади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Бобурнома”нинг ўтган асрларда Европа тилларига қилинган айрим таржималари, руй-рост айтиладиган бўлса, Марказий Осиё, Хуросон, Эрон, Покистон, Ҳиндистонни босиб олиш, яъни мустамлакачилик — колонизаторлик илқини билан ўқилди. Ғарб бу асарни босиб олиш мақсади учун изчил ўрганган замонларда биз, шарқликлар уни ўз юртимизни ҳимоя қилиш учун бўлса ҳам ўқимадик.

Бу узундан-узун мулоҳазаларни келтиришдан мақсад бор: тан олиб айтиш кераки, бу италиянча нашр Ғарбнинг ана шу эскича қарашини бутунлай синдириб ташлади.

Биринчидан, бугун дунё Ғарбнинг Шарққа бепишанд муносабати асосиз эканини аниқлаб этди. Чунки башариёт тараққиёти билан боғлиқ цивилизацияларнинг кўчиб юрилиши қонунига биноан, Шарқ яна қайта уйғонди. Япония, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур ва ҳоказо мамлакатлардаги тараққиёт бунга тўла исботлади. “Бир кун кўл бўлган жой кўл бўлади”, деган ўзбек халқ мақоли мағзида айнан ана шу тамаддулларнинг кўчиб юриши кўзда тутилган. Бир замонлар Ғарб ўзининг антик даврдаги цивилизациясини унутган, ундан бутунлай узилиб

Тўртинчидан, “Бобурнома”нинг италиянча таржимаси Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг сўзи билан очилиши ҳар қандай китобхон оғ-шуррида бу асарнинг нақадар буюк аҳамиятга эга экани ҳақида ўйлашга ундайди.

Бешинчидан, таржима нашрига Шарқ мавзусидаги асарлари билан танланган италиян олими ва адиби Франко Кардинининг “Ёзишни яхши кўрадиган буюк ҳукмдор ёхуд ҳукмдорликни яхши кўрадиган буюк адиб” сарлавҳали бади (эссе)си илова қилинган. Очиги, бу “Кириш” бутунча “Бобурнома” ва унинг муаллифига муносабат баҳонасида амалда Ғарбнинг Шарққа муносабатини ўзгаришига даъват сифатида янраган.

Шу жиҳатдан бу нашр глобал аҳамиятга эга. Чунки у италиян маданиятининг ўзбек маданиятига янги муносабатигагина эмас, ялли олганда, Ғарбнинг Шарққа янги муносабати янглиг қабул қилиниши зарур.

Франко Кардини “Бобурнома”га юксак маданият яратган буюк халқнинг бой мероси сифатида қаради. Ишонади, ўқувчисини ҳам ишонтирадики, бу асарни ўқий бошлаган европалик ундан бош

кўтаролмай қолади, яъни уни охиригача катта қизиқиш билан мутолаа қилади. Олим ва адиб ана шу европалик китобхонга уқтирадики: “...Ҳиндистондаги Буюк Мўғуллар ёки, айтмоғи, Буюк Бобурлар сулоласи ҳашаматини кўз олдимизга келтиришнинг ўзи етарли, бунда биз бутунлай “бошқа Ренессанс”ни кўрамиз, ундаги ҳашаматли шаҳарлар, саройлар ва боғлар биздагилар билан тенг эди, ҳатто биздаги маданий тараққиётнинг энг чўққиси бўлган даврлардайдан ҳам устун келар эди...”

Шу ва шунга ўхшаш фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, атоқли публицист ички жасорат билан гўёки бутун Ғарб ахли номидан Шарқ халқи олдида тавба-тазарру қилгандек бўлади: “Биз, “Ғарб ахли”нинг дунёнинг бошқа барча маданиятлари олдида улкан қарзимиз бор: чунки ҳужум қилдик, таладик, уларни ўзимизга бўйсундирдик, шуни ўйламадикки, ҳатто насронийлик орқали қайта кўриб чиқилди, назардан ўтказилган Рим ҳуқуқи ҳам улардаи фан, санъат, гўзаллик, золимлар тарзида иш кўришимизга қўйиб берди. Бироқ, эҳтимол, бундан ҳам жиддийроқ бўлган халқларнинг мол-мулки, эрки, ҳаттоки ҳаётини тортиб олиш, уларни биздан кўра бошқача яшагани ва фикрлагани, бизнинг зўравонлигимизга қарши туриш учун биздаи тенг келадиган қуроллари ҳам, баъзан, ҳатто истаклари ҳам ўққилиш учунгина шунимиз равишида “паст табақа” ҳисоблаб, ҳеч қачон, боринки, яқин-яқин даврларга ҳам улардаи фан, санъат, гўзаллик билан ҳисоблашмадик, бизни фақат ва фақат иқтисодий томонгина қизиқтирди”.

Шулардан келиб чиқиб, “Бобурнома”нинг италиянча таржимасини Ғарбнинг бизини бой миллий меросимиз, шу баҳонада, бутун Шарққа муносабати кескин ўзгаришининг ёрқин намунаси, дейиш мумкин.

“Бу нашрнинг глобал аҳамияти” деганда биз айнан шуни кўзда тутдик. Бунинг учун “Sandro Teti Editore” нашриёт уйи жамоасига, шавкат муҳтарам директор Сандро Тетти жанобларига, шу нашрга бош қўшган барча мутахассисларга самимий ташаккурларимизни изҳор этамиз.

Бир орзу сифатида шуни айтиш кераки, атоқли шарқшунос, филология фанлари доктори, профессор устозимиз Нажмиддин Комилонинг бир пайтлар Ўзбекистонда шов-шув бўлган машхур “Ибн Сино ва Данте” монографияси ҳам ўғирлиб, чоп этилса, аъло иш бўлар, италиян китобхонлари икки халқ маданияти ва маънавияти ўртасида тигиз алоқалар узок тарихларга бориб боғланишини янада теранроқ ҳис этар эди.

ФАХР

БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШГАН ХАЛҚМИЗ



Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

Яхши ниятидан яйраган миллат, Муаззам туркиймиз, мунаввар Шарқимиз, Бизга ажодларнинг излари ибрат, Бир мақсад йўлида бирлашган халқимиз.

Якдил халққа асло тегиб бўлмайди, Туғи бошдан тушмас, эгиб бўлмайди, Бирлашганини сира енгиб бўлмайди, Бир мақсад йўлида бирлашган халқимиз.

Меҳр дарёсига мироб ўзимиз, Дину диёнатга чироқ кўзимиз, Тинчлик, фақат тинчлик, бизнинг сўзимиз, Бир мақсад йўлида бирлашган халқимиз.

Одиллик, оқиллик қонимиздадир, Номус ҳам оримиз жонимиздадир, Адолат қилчи ёнимиздадир, Бир мақсад йўлида бирлашган халқимиз.

Совуқдан асраган оилани танча, Бизни бирлашмасин деганлар қанча, Яшайди хаёлда тилларин санча, Бир мақсад йўлида бирлашган халқимиз.

Сотмай ҳам сотилмай тикка қарашган, Қорнимас, қадрига ҳар он талашган, Ўзбекка — ўзига беклик ярашган, Бир мақсад йўлида бирлашган халқимиз.

Вафодор дўстларни кафтида тутган, Кин, гараз, ҳасадни буткул унутган, Ҳамиша хуш мезбон, хуш меҳмон кутган, Бир мақсад йўлида бирлашган халқимиз.

Жаҳон аҳли қалбин зафтига қодир, Муҳаббатнинг сўнмас тафтига қодир, Ўзбек шундай халқдир, юраги нодир, Бир мақсад йўлида бирлашган халқимиз.

Янги Ўзбекистон — қутлуг мақомда, Майли ирқи, дини, турли каломда, Ватандош аталар ҳамма бир номда, Бир мақсад йўлида бирлашган халқимиз.

Шонли давлат қурган боболар бизда, Дунё кўлин очган дуолар бизда, Илми уммон бўлган донолар бизда, Бир мақсад йўлида бирлашган халқимиз.

Катта йўлга чиққан қарвонга балли, Тангри ато этган имконга балли, Элни азиз тутган инсонга балли, Бир мақсад йўлида бирлашган халқимиз.

Ғоя бир, мақсад бир, халқ бахти учун, Уйғонмоқ керакдир, дил аҳди учун, Фозиллар кўтарар миллатнинг юкин, Бир мақсад йўлида бирлашган халқимиз.

Янги Ўзбекистон — буюк мақсаддир, Меҳрдан яралган метин сарҳаддир, Мард сарбон тиклаган эгилмас қаддир, Бир мақсад йўлида бирлашган халқимиз.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан руйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746. 43927 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова Мусахҳ: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй